

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳукукида
УДК 331.101264.2(575.1)

Кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида аҳолининг
иш билан бандлиги
(қашқадарё вилояти маълумотлари асосида)

Остонов Акмал Ёриевич

08.00.10 – “Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисоди” ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2007

Диссертация Қарши Давлат университетида бажарилган

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдурахмонов Қаландар Ҳоджаевич

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Зайниддинов Шавкат Нуриддинович

иқтисод фанлари номзоди
Бухарова Фарида Мирхаликовна

Етакчи ташкилот: Самарқанд Давлат университети

Ҳимоя 2007 йил «____» _____ соат _____ да Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Иқтисодиёт институти ҳузуридаги Д. 015.06.01 рақами
Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг мажлисида бўлади.

Манзил: 100060, Тошкент, Боровский кўч., 5.тел. / факс 133-14-78.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Иқтисодиёт институтининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2007 йил _____ тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди**

Ғуломова Г.П.

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Халқаро Меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, Ер шарининг жами 3 миллиард кишидан иборат меҳнатга яроқли аҳолисининг тахминан 30 фоизи қисман иш билан банд, 186,9 миллион меҳнатга қобилиятли аҳоли эса ишсизлар ҳисобланади¹. Бундай вазият, шубҳасиз, инсоният фаровонлиги йўлидаги катта тўсиқлар мавжудлигини билдиради, дунё аҳолисининг меҳнатга жалб қилинганлик даражаси етарлича эмаслигидан дарак беради ва иш билан бандлик муаммосини ҳал қилиш бутун дунё мамлакатларидан янги, ўзига хос йўللارни ахтариб топишни талаб қилади.

Технологик тараққиёт ва кейинги даврда ҳаммага маълум бўлган глобаллашув жараёни бўлса бу борада янгидан янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жаҳон иқтисодиётида интеграцияланиш жараёнлари тезлашмоқда, рақобат муҳити янада умумийлашмоқда ва кескинлашмоқда, натижада аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш борган сари мушкуллашмоқда.

Бир вақтнинг ўзида замонавий иқтисодий тенденциялар иқтисодий ўсиш ва иш жойлари яратишда янгидан янги имкониятларни очиб бермоқда. Жаҳон иқтисодиёти ва аҳолиси бандлигининг таркиби энди нисбатан тезроқ ўзгармоқда. Иш билан бандлик таркибининг хизмат кўрсатиш соҳалари фойдасига ҳал бўлишига биргина XX асрнинг ўзи етарли бўлди.

Дунё мамлакатларининг глобаллашув оқимлари, қонуниятлари шунини кўрсатмоқдаки, ҳозирги замон тараққиёти ва аҳолини иш билан таъминлашнинг замонавий муаммоларини ҳал қилишнинг энг самарали ва оқилона йўли - ўрта ва кичик бизнес корхоналарини очиш ва ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб беришдан иборатдир.

Ривожланган "...мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, кўп масалаларни ҳал этишда, биринчи галда, аҳоли турмуш даражасининг доимий равишда юқори бўлишини таъминлашда, аввало, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантирадиган давлат сиёсатини амалга ошириш орқали эришилади"².

Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг мўъжизакор қудрати натижасида Германия иқтисодиётида кичик ва хусусий бизнес улуши урушдан кейинги йиллардан бугунга қадар 10 фоиздан 65 фоизга кўтарилди; Америка Қўшма Штатлари иқтисодиётининг асосини, бугунги кунга келиб, кичик ва хусусий тадбиркорлик ташкил этиб, унинг салмоғи сўнги 40 йил давомида мамлакатда ишлаб чиқиладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 10 фоизидан 52 фоизига ўсди; Европа Иттифоқида эса иш билан банд аҳолининг 70 фоизи, Японияда бўлса 80 фоизи шундай корхоналарда ишлайди³.

¹ Доклад о состоянии занятости в мире в 1998-1999 гг. Выпуск 3 /Серия публикаций по социально-трудовым вопросам в странах Восточной Европы и Средней Азии, 1999. Изд.бюро МОТ в Москве. Бўлим «Глобальные тенденции в занятости», 21-42-бетлар. (Интернет маълумотлари.)

² И.Каримов. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш - тараққиёт гарови. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 июлдаги мажлисида сўзланган нутқ / Халқ сўзи. 2001 йил 18 июль. №140 (2702).

³ Шу манба.

Ўзбекистонда бу соҳада мустақиллик йилларида кенг қамровли ишлар қилинган бўлса-да, ҳозиргача у такомиллашувдан йироқ. 2006 йил натижаларига кўра, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда юртимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони 350,0 мингтага етди ёки 2000 йилдагига нисбатан 2,3 марта кўпайди¹, деярли 6,0 миллион киши ёки мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 60 фоизга яқини (2000 йили - 33 фоиз эди) кичик ва хусусий бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда. Соҳани тараққий эттириш учун мустақилликнинг дастлабки 10 йилида ярим миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда маблағ жалб қилинди ва йил сайин таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш долзарб вазифалари сифатида мамлакат Президенти И.Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: биринчидан, ... кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўқдирадиган, иқтисодийнинг таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашда, унинг даромадларини оширишда энг муҳим ва манба бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, ҳозирги шароитда жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобат кескинлашиб бораётгани ҳаммамизга аён. Айнан кичик бизнес ўзининг ҳаракатчанлиги, кам сармоя талаб қилиши ҳисобидан ишлаб чиқаришни енгилроқ ва тез модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилаш имкониятига эга экани ва шу тариқа бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига яхши мослаша олиши билан эътиборлидир. Учинчидан, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, бу борада ўта муҳим бир масалани четда қолдирмаслик керак. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ўсиши билан биз мамлакатимизда таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. ... Бир сўз билан айтганда - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликбугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда².

Шунингдек, ўсиш суръатларининг юқорилигига қарамасдан ҳали кичик ва хусусий корхоналар сонининг камлиги ҳам бундай корхоналар тараққиётини тезлаштиришни талаб қилади – 2007 йилга келиб мамлакатнинг ҳар минг фуқаросига тахминан 13 та (Қашқадарёда 27,2 та) корхона тўғри келди. Ваҳоланки, ривожланган давлатларда ҳар минг кишига 35-40 та кичик ва хусусий корхона тўғри келади.

Кўриниб турибдики, кичик ва хусусий корхоналар тадбиркорлигидаги муаммолар республикаимизда нотекис тақсимланган.

Бугунги кунда (2006 йил маълумоти) Қашқадарё вилоятига кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ишловчилар республикадаги умумий миқдорининг тахминан 7 фоизи тўғри келса, вилоят жами аҳолисининг республика аҳолисига нисбатан салмоғи эса 9,0 фоизни ташкил қилади. Агар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси / Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль, №31 (4184).

² Шу манба.

Қашқадарё вилояти аҳолиси ўсишининг Ўзбекистонда энг юқори эканлигини ҳисобга олсак (мамлакатимиздаги вилоятлар орасида 1-ўрин) – аҳолининг табиий ўсиши республикада ҳар минг кишига 15,6 кишини ташкил қилса, бу кўрсаткич Қашқадарёда 19,5 га тенг¹ - келажакда вилоятда аҳолини кичик ва хусусий тадбиркорликка ишга жалб қилиш иқтисодиётнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланиши лозим.

Тадқиқот юзасидан амалга оширилган таҳлилнинг кўрсатиши бўйича, Қашқадарё Ўзбекистонда ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши бўйича энг нотекис ривожланаётган ҳудудидир (масалан вилоятда кичик корхоналар сони кўпаймоқда, бироқ унда иш билан бандлар сони камаймоқда) ва шунинг учун ҳам ишга солинмаган имкониятлар вилоятда энг кўп эканлигини қайд этишимиз зарурдир.

Ана шу таъкидланган ҳоллар Қашқадарё вилояти мисолида республика ҳудудлари бўйича кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандликни ривожлантириш масалаларини ўрганиш жуда муҳимлигини ва бу борада тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқиладиган тадбирлар соҳанинг тараққиётида етарлича аҳамиятга эгали бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик ва хусусий тадбиркорликка ихтисослашган корхоналарда аҳолининг иш билан бандлиги республикаимиз Президенти томонидан қўйилган талаблар даражасида ҳали ёритиб берилмаган. Бироқ кўплаб олимларимиз бу соҳада катта илмий салоҳиятга эгадирлар ва чуқур тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Айниқса мамлакатимиз илмий мутахассислари орасида тадбиркорлик соҳасида ишчи кучидан фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича Қ.Х.Абдурахмонов, Э.Х.Махмудов, Ю.В.Вороновский, Ш.Н.Зайнутдинов, Л.П.Максакова, Р.Б.Муртазина, А.Ф.Расулов, Г.К.Саидова, А.Сотволдиев, Р.А.Убайдуллаева, М.Л.Турсунхўжаев, З.Я.Худойбердиев, Ш.Р.Холмўминов, Н.Хўжаев, А.М.Қодиров ва бошқаларнинг тадқиқотларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Хорижлик олимлардан А.А.Никифорова, Ю.Г.Одегов, Г.Э.Слезингер, Р.С.Смит, Р.Ж.Эренберг ва бошқа у ёки бу жиҳатдан кичик ва хусусий тадбиркорликни ва бу борада иш билан бандликни ўрганган мутахассис ва олимларни шу жумлага киритиш мумкин.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг бу соҳадаги хизматлари бекиёслигини яна бир бора таъкидлаган ҳолда ҳали кичик ва хусусий бизнес соҳасида иш билан бандликнинг битмас-туганмас имкониятлари ва қатламлари етарли даражада ўрганилмаганлигини, хусусан бу корхоналардаги иш билан бандликни тартибга солиш хусусиятлари ва йўналишларини, макро- ва маҳаллий даражада кичик ва хусусий корхоналарда персонал меҳнатидан самарали фойдаланиш, ишга жойлаштириш орқали ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг меҳнатини нормалаш, иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучининг сифат ва миқдор таркибидаги салмоғини ошириш, бу жабҳага мутахассислар ва малакали ишчи кучини тайёрлаш ва бошқа кўплаб масалалар чуқур тадқиқ қилиниши айтиб ўтиш керак.

¹ Муаллиф ҳисоб-китоби.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар марказининг 2003-2005 йиллар, 2006-2008 йиллар режаларига биноан амалга оширилган ва оширилаётган 1-Давлат илмий-техника дастури (ДИТД-1) “Демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор муносабатларини такомиллаштириш жараёнларини иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш” йўналиши асосида ёзилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари. Ушбу диссертация ишини бажаришдан кўзда тутилган асосий мақсад - Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилояти мисолида республика ва ҳудудларда кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертация иши қуйидаги **асосий вазифаларни** бажаришни назарда тутди:

- кичик ва хусусий тадбиркорлик, уларда иш билан бандлик ва шунга алоқадор бошқа иқтисодий категорияларининг мазмунини ёритиб бериш;
- аҳолининг кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида иш билан бандлиги ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари орасидаги ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсир даражасини ўрганиш;
- кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандликни ўрганишнинг услубий-методологик жиҳатларини изоҳлаш ва зарур ҳолларда такомиллаштириш йўлларини таклиф қилиш;
- вилоят иқтисодиётида ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳаларида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрнини аниқлаш;
- кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандликнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари таҳлилини амалга ошириш;
- янги иш жойлари яратишда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини ўрганиш;
- кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан ва ҳудудларда тартибга солишни такомиллаштириш йўлларини аниқлаш;
- кичик ва хусусий тадбиркорликда аҳолини иш билан таъминлашнинг иқтисодий-меъёрий асосларини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Тадқиқот объекти. Иқтисодиёт ва меҳнат бозорининг кичик ва хусусий тадбиркорлик сектори тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот предмети - кичик ва хусусий корхоналарда аҳолини иш билан таъминлашга алоқадор ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси бўлиб ҳудудий меҳнат бозори ва иқтисодий назария қонун-қоидалари, бозор иқтисодиёти бўйича яратилган илмий ишланмалар, ҳукуматнинг Ўзбекистонда ва республика ҳудудларида кичик ва хусусий тадбиркорликни таркиб топтириш ва ривожлантиришга оид меъёрий ва кўрсатма ҳужжатлари, бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича И.Каримов томонидан таклиф қилинган тамойиллар, концептуал ёндошувлар, йўриқномалар, бозор иқтисодиёти қарор топишининг умумий ва Ўзбекистон моделига хос бўлган

иқтисодий қонуниятлари, меҳнат иқтисоди ва соҳа олимлари, мутахассисларнинг назарий ва услубий илмий ишланмалари хизмат қилди.

Диссертацияни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги статистик ва ахборот маълумотлари, ўрганилаётган муаммога алоқадор бўлган тегишли илмий ишланмалар ва тадқиқот материалларидан, олимлар ва мутахассисларнинг монография ва бошқа илмий ишларидан, базавий дарсликлардан, шунингдек муаллиф томонидан ўтказилган иқтисодий тадқиқотлар натижаларидан кенг фойдаланилди.

Диссертация ишини бажаришда асосий тадқиқот услублари сифатида иқтисодий таҳлил, тизимли ёндошув, илмий абстракция, мантик, статистик гуруҳлаш каби усулларга таянилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- ҳудудларда кичик ва хусусий корхоналарда иш билан бандлик самарадорлигини оширишнинг корхоналар турларига, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат салоҳиятига асосланиладиган иқтисодий-ташкилий ва институционал тадбирлари ишлаб чиқилди;
- кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида аҳоли иш билан бандлигининг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан ўзаро алоқадорлиги, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳаларида тадбиркорликнинг тутган ўрни ишлаб чиқилди;
- тадқиқотчилар орасида республика ва вилоят даражасида кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандликнинг солиштира таҳлили амалга оширилди ва шу асосда маҳаллий даражада тадбиркорлик самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш услубиётини такомиллаштириш таклиф қилинди;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишларини якунлаш натижаларига кўра ушбу ишда қуйидаги илмий янгиликлар илгари сурилди ва тавсифлаб берилди:

- тадбиркорликнинг юзага келиш ва шаклланиш қонуниятлари умумлаштирилди. Хусусан, ходимлар сони билан бирга ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ҳам асосланувчи мезонларнинг вужудга келиши кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётнинг муҳим ҳодисасига айланишига сабаб бўлганлиги аниқланди. Шунга кўра, кичик ва ўрта тадбиркорлик тавсифларини ҳар иккала мезондан фойдаланиб такомиллаштириш таклиф қилинди;
- “тадбиркорлик” ва “тадбиркор” тушунчасининг иш билан бандликка тадбиқан янги, такомиллаштирилган таърифи ишлаб чиқилди. Унга кўра, тадбиркорлик дейилганда, бозор конъюнктураси воситасида фойда олиш мақсадида ишлаб чиқаришга сармоя сарфлаш жараёни тушунилади. Шу сармояни инновация мақсадида сарфлаётган шахс (шахслар гуруҳи) эса тадбиркор (лар) дейилади;
- кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандликни ўрганишни такомиллаштириш юзасидан услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди. Методологик жиҳатдан “кичик ва ўрта тадбиркорлик” ва “кичик ва ўрта корхоналар” тушунчаларининг фарқланишига асосланган ҳолда кичик ва

хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан бандликни ўрганишнинг муқобил усуллари таклиф қилинди;

- кадрларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни аниқлаш орқали кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандликни таъминлашни такомиллаштириш йўллари асослаб берилди;

- янги иш жойлари яратишда кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан ва ҳудудларда тартибга солишни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди;

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти унинг натижаларининг Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўзига хос бозор иқтисодиёти шароитида тадқиқотлар ичида дастлабки бора таклиф қилинаётганлиги, назарий ва амалий жиҳатдан диққатга сазоворлиги ва амалиётда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади. Диссертацияда ёритиб берилган масалалар ва тадқиқот натижалари «Меҳнат иқтисоди», «Кичик ва хусусий корхоналарда меҳнатни ташкил қилиш», «Худудий меҳнат бозори», «Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва аҳоли даромадлари», «Меҳнат ресурслари иқтисоди» фанлари ва ўқув предметлари бўйича маъруза ва амалий машғулотларда фойдаланилиши мумкин. Амалий таклифлар ва ишланмалар эса республика ва ҳудудлар иқтисодий, меҳнат идоралари иш фаолиятида ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон савдо саноат палатаси Қашқадарё худудий бошқармаси лойихасида ўз аксини топган ва амалиётда фойданиш учун тавсия қилинган (маълумотнома 2007 йил 26 июнь)

Тадқиқотнинг синовдан ўтказилиши. Диссертация тадқиқотларининг асосий натижалари, ишлаб чиқилган илмий тавсиялар ва амалий таклифлар халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида эълон қилинган. Ишнинг амалий натижаларини жорий қилиш тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилган.

Диссертация Қарши давлат университетининг “Молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси, Тошкент Давлат техника университети менежмент кафедрасида, Ўзбекистон Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика илмий марказида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Илмий тадқиқот натижаларининг асосий ғояси жами 1.5 босма табоқ ҳажмда 8 та мақолаларда чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, учта бобни, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Шунингдек, диссертация иши 157 бетдан иборат. Диссертацияда 15 та жадвал ва 2 та диаграмма ўз аксини топган.

Ишнинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқотнинг услубиёти, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва тадбиқ қилиш тўғрисидаги маълумотлар киритилди.

Биринчи боб “Кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида иш билан бандлик назарий муаммо сифатида” деб номланган ва қуйидаги масалаларни ўз

ичига олади: кичик ва хусусий тадбиркорлик категорияларининг мазмунини очиб бериш, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаларидаги иш билан бандликнинг мамлакат ва ҳудуд иқтисодий ўсишини таъминлашдаги аҳамиятини ўрганиш, кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандликни ўрганишнинг услубий-методологик масалаларини тартибга солиш кабилар.

Иккинчи боб эса кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан бандликнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий мажмуасида кичик ва хусусий корхоналарнинг тутган ўрни, кичик ва хусусий корхоналарда иш билан бандликнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари таҳлили, янги иш жойлари яратишда кичик ва хусусий корхоналарнинг аҳамиятини очиб беришга бағишланган.

Тадқиқотнинг учинчи боби “Кичик ва хусусий корхоналарда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш йўллари”ни изоҳлаб бериш ва зарур даражада таклиф қилишдан иборат. Бу бобда кичик ва хусусий тадбиркорликни тартибга солишни такомиллаштириш, кичик ва хусусий тадбиркорликда аҳолини иш билан таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш вазифалари ва тадбирлари акс эттирилган.

Ишнинг “Хулоса” қисмида ўтказилган тадқиқот натижалари асосида тайёрланган таклиф ва хулосалар акс эттирилиб, муаллифнинг мавзу бўйича ишлаб чиққан энг муҳим таклиф ва ишланмалари қисқача мазмуни акс эттирилган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кичик ва хусусий корхоналарнинг келиб чиқиши биринчи галда шундай фаолиятга бўлган эҳтиёж билан белгиланади. Чунки заруратсиз бундай субъектларни ташкил қилишнинг ҳожати бўлмасди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кичик ва хусусий корхоналарни ташкил қилиш кўплаб мамлакатларнинг умумжаҳон савдо ва ишлаб чиқариш жараёнига қўшилиши оқибатида фойда олиш имкониятларини кўпайтириш зарурати билан боғлиқ. Аниқроқ қилиб айтилганда, бундай корхоналар иккита асосий фактор асосида юзага кела бошлаган: 1) жаҳон бозорининг борган сари фаоллашуви ва классик бозор мамлакатларидан ташқари янада кўпроқ мамлакатларнинг унга қўшилиши орқали конкуренция муҳитининг кенгайиши ва кучайиши; 2) кўпроқ фойда олиш учун корхона (фирма) ички имкониятларидан фойдаланиш.

Саноат соҳасидаги илғор техник-технологик ўзгаришларнинг транспорт соҳасида қўлланилиши (хусусан, тезюар транспорт турларининг кашф этилиши) эса жаҳон бозоридаги алоқаларнинг кучайишига, иқтисодий муносабатларнинг амалга ошиши учун кетадиган вақт (муддат) нинг камайишига, шунинг ҳисобига турли алоқалар ҳажмининг кўпайишига олиб келди. Бутунжаҳон иқтисодий муносабатларининг кенгайиши ва тифизлашуви эса жаҳон бозорида рақобат муҳитининг кучайишини келтириб чикарди.

Иқтисодий назариянинг бугунги кунда эришилган ривожланиш даражасидан хулоса қилиш мумкинки, барқарор рақобатли мувозанат шароитида ишлаб чиқаришнинг ҳар бир омили, жумладан меҳнатни ёлловчи меҳнати (иш берувчи) учун тўлов унинг (ҳисобига яратилган) қўшимча маҳсулотининг

пулдаги қийматига тенг. Тадбиркорга (ишлаб чиқаришни амалда юритувчига) эса ҳеч қандай қолдиқ қолмайди ва фойда нолга тенг. Шу билан бирга фойдага (тўғрироғи, унинг манбаига) нисбатан бошқа нуқтаи назар ҳам мавжудлигини эслайлик. Унга кўра, ноаниқлик ва таваккалчилик асосида ишлаб чиқаришни “ташқил қилиш” ёки “тадбиркорлик” билан боғлиқ фаолият фойданинг бирламчи манбаидир. Бу Маршаллнинг қўшимча меҳнат унумдорлиги стандарт назариясига мувофиқдир.

Кейинги икки асрда иқтисодиёт илми ишлаб чиқаришнинг учта фактори бор, деган фикрга суянган эди: ер, меҳнат, сармоя. Йигирманчи асрда учта бирликка (триадага) яна бир омил қўшилди – ахборот омили сармоя қўшимча қиймат яратиши мумкинлиги тўғрисида сўз юритишнинг ҳожати ҳам йўқ. Бироқ баъзи иқтисодчиларнинг (масалан, Эджуорт) фикрига кўра тадбиркорлик ҳам ишлаб чиқариш омили сифатида ҳисобланиши керак. Шунини айтиб ўтиш керак, бу фикр иқтисодчилар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра ўз тасдиғини топмади. Бунинг асосий сабаби – тадбиркорлик ишлаб чиқариш факторларига тааллуқли бўлган мезонлар талабларига жавоб бермайди. Бу мезонлар иккита: 1) ишлаб чиқариш фактори чексиз бўлинувчан ва 2) қатъий бир хил (ўхшаш) бўлиши керак. Бу мезонларни тадбиркорликка нисбатан қўллаб бўлмайди.

Ўтказилган тадқиқот кўрсатдики, тадбиркорлик дейилганда, бозор конъюнктурасидан фойдаланиб фойда олиш мақсадида ишлаб чиқаришга сармоя сарфлаш жараёнини тушунилади. Шу сармояни инновация мақсадида сарфлаётган шахс, шахслар гуруҳи (хатто корхоналар ҳам) эса тадбиркор (лар) дейилади.

Бозор мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда бу борада назария ва амалиётнинг яқинлигига эришилган. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунида куйидаги таъриф келтирилган: тадбиркорлик фаолияти – тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ, таваккалчилик асосида ва ўзининг мулкий жавобгарлиги остида фойда (даромад) олишга йўналтирилган фаолият (ушбу Қонуннинг 3-моддаси).

Юқорида айтилган фикрларга суянадиган бўлсак, Қонундаги таърифга тадбиркорлик фаолиятининг инновация мақсадида амалга ошириладиган, йўналтирилган фаолият эканлиги тўғрисидаги қўшимча қўшилганда тадбиркорликнинг мақсадли фаолият эканлиги тўғрисида тасаввур юзага келиши мумкин. Амалдаги таъриф эса ҳозирги тадбиркорликни бемақсад, фақат таваккалчиликка асосланган фаолият сифатида изоҳлайди.

Иқтисодий фанда корхоналарнинг нима сабабдан микро-, кичик, ўрта ва йирик корхоналарга туркумланиши тўғрисида илмий асосланган нуқтаи назар кам ишлаб чиқилган. Шунга қарамасдан биз корхоналарнинг ходимлар сонига кўра гуруҳланишига нисбатан ўз нуқтаи назаримизни баён этиб кўрамиз. Маълумки, у ёки бу корхонада ишловчи ходимлар сони корхона бажарадиган ишнинг ҳажмига, қайси тармоққа мансублигига, товарнинг (кўрсатиладиган) меҳнат сиғимига мўлжалланади. Бизнингча, корхона фаолиятдан олинadиган фойда ва ишлайдиган ходимлар сони орасида ҳеч бўлмаганда маълум даражадаги корреляция алоқаси мавжуддир. Шу билан бирга корхона инновация

фаолияти ва бозордаги рақобат ҳам ходимлар сонини белгилашда маълум аҳамиятга эга бўлиши керак.

Назарий-услубий жиҳатдан яна бир фикрни таъкидлаш зарурати сезилади. У ҳам бўлса – “кичик ва хусусий” тадбиркорлик иборасининг кейинги пайтларда кенг тарқалишидир. Бунинг асосий сабабларидан бири – хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқаришдаги салмоғининг ниҳоят даражада кўпайиб баъзи тармоқларда 100 фоизга яқинлашгани, ўрта тадбиркорликнинг иқтисодий роли жуда сезиларсиз бўлиб қолганлигидир.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик жаҳон мамлакатларида иқтисодиётида борган сайин катта аҳамиятга эга бўла бормоқда. Халқаро тажриба кичик ва хусусий бизнеснинг янги иш жойлари яратиш орқали иқтисодий ўсишга таъсири жуда муҳимлигини кўрсатади. Айниқса иқтисодий тараққиётнинг хизмат кўрсатиш ва ахборот технологиялар томон ривожлана бориши билан бу корхоналарнинг роли ортмоқда. Кичик ва хусусий корхоналар янги техника ва технологиялари жадал жорий қилинадиган, бошқаришнинг илғор усуллари тезкорлик билан қўлланадиган ва қисқа муддатларда самара келтирадиган иқтисодий субъектларга айланаёпти.

Ўзбекистон шароитида ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлашнинг иқтисодий ўсишдаги аҳамияти бекиёсдир. Расмий маълумотларга кўра, республика ялпи ички маҳсулотини яратишда кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши 2000 йил 31,0 фоизни, 2001 йил 33,8 фоизни, 2002 йил 34,6 фоизни, 2003 йили 35,5 фоизни, 2006 йил эса 42,1 фоизни ташкил этган¹ (тадбиркорликнинг янги классификациясини эътиборга олган ҳолда, 2004 йили кичик тадбиркорлик соҳасида республика ялпи ички маҳсулотининг 35,6 фоизи яратилди).

Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат комитетининг маълумотларига кўра, республикада ҳар 1000 кишига тўғри келадиган кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони 2000 йили 6 тани ташкил қилган бўлса, 2007 йилнинг 1 январиди бу кўрсаткич деярли 13,0 тага етди. Шундай қилиб, ҳар 1000 кишига нисбатан кичик ва хусусий корхоналар миқдори ўсишда давом этмоқда. Бироқ эришилган даража халқаро кўрсаткичлардан ҳали бир неча баробар пастдир.

Дастлабки ҳисоб-китоб маълумотларига кўра, Ўзбекистонда кичик тадбиркорликда иш билан бандлар сони 2007 йил бошига келиб (1 январига кўра) 7,7 млн. кишини ташкил қилди, ёки республикада иш билан бандларнинг 73,5 фоизи шу соҳада машғул². Бу рақамни методологик жиҳатдан аниқлаштирсак, у ҳолда жами ишловчиларнинг тахминан 25 фоизи айнан кичик корхоналар ва микрофирмаларда иш билан банд эканлиги кўринади. Бу эса, кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандларнинг аксарият қисми (3/4 қисми) деҳқон хўжаликлари ва яқка тадбиркорликда банд бўлишига қарамасдан мазкур кўрсаткичга қўшиб ҳисобланган. Шунга қараганда, кичик тадбиркорликка фақат кичик корхоналарда иш билан бандларнигина эмас, балки яқка тадбиркорликда иш билан бандларни ҳам қўшиш керак.

¹ Ўзбекистон иқтисодиёти. Статистик ва таҳлилий шарҳ. Йиллик нашр, 2002. Т.: СИСМ. 43-бет. Ўзбекистон иқтисодиёти. Статистик ва таҳлилий шарҳ. Йиллик нашр, 2003. Т.: СИСМ. 33-бет.

² Ўзбекистон иқтисодиёти: таҳлилий шарҳ 2004 йил. СИСМ. 33-бет.

Қашқадарё вилоятида кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандлар сони 2007 йилнинг бошига келиб 606,4 минг кишини ташкил қилган. Бу кўрсаткич вилоятда жами иш билан бандларнинг 61,4 фоизини ташкил қилади. Агар деҳқон хўжаликлари ва якка тадбиркорликни истисно қилса, бу корхоналарда иш билан бандлар сони ўрганилаётган даврга келиб республикадаги вазиятга ўхшаш ҳолатни такрорламоқда. Яъни Қашқадарёда бу борада вилоят ривожланишини таъминлашда ҳали кўп имкониятлар мавжуд.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан бандликни ўрганишнинг методологик масалалари муаммонинг энг кам ўрганилган йўналишларидан ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари, биринчидан кичик ва хусусий бизнес (ва, умуман бизнес) мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида нисбатан янги ҳодиса бўлганлиги, иккинчидан эса олимлар ва мутахассислар томонидан ана шу мавзуга кам эътибор берилаётгани билан изоҳланади. Шу билан бирга, ҳозиргача эгалланган илмий-методологик билимлар тадбиркорлик соҳаларида иш билан бандликни ўрганиш борасига ҳам тааллуқлидир, деган тасаввур ҳам кичик ва хусусий корхоналардаги иш билан бандликнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини замон талабларига мос, етарли даражада ўрганишга тўсиқ бўлаётганининг гувоҳи бўламиз. Ана шу фикрни қисман тасдиқлаган ҳолда (ҳақиқатан ҳам иш билан бандликни ўрганиш соҳасида кейинги йилларда республикада жиддий ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги “Аҳолининг иш билан бандлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 42-қарори, 2007 йил 8 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-қарори), кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандликни ўрганишнинг хусусий, ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш борасида ҳали кам ишлар қилинганлигини таъкидлаш жоиздир.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик нафақат республика, балки вилоятлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида борган сари катта ўринга эга бўлмоқда. Тадбиркорликнинг бу тури бозор муносабатларини тараққий эттиришда, иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда, мамлакатимиз ва хориждан сармоялар жалб қилишда, аҳолининг иш билан бандликка бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини таъминлашда битмас-туганмас имкониятларга эга. Қашқадарё вилоятида кейинги йилларда бу борада сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Шунга қарамасдан, ҳали вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари кўп (жадвал 1). Қашқадарё вилоятида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг сон жиҳатдан ўсиши етарлича сифат ўзгаришларини, вилоятлар орасида етакчи ўринга эга бўлишини таъминлай олмаяпти. 2006 йили кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улуши 34,9 фоизни, жумладан, саноатда 6,9 фоизни, қишлоқ хўжалигида 97,5 фоизни ташкил қилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес секторини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бунга айникса солиққа тўлашнинг нисбатан қулай режимини жорий қилиш, текширишларнинг ва жарима санкцияларининг анча камайиши, кредит ресурслари олишнинг

Жадвал 1

Рўйхатга олинган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши (йил бошига кўра)

	2001 йил			2002 йил			2003 йил			2004 йил		2005 йил			2006 йил		
	Жами. дона	Жамига нисбатан салмоғи, %	Йиллик ўсиш суръатлари, %	Жами. дона	Жамига нисбатан салмоғи, %	Йиллик ўсиш суръатлари, %	Жами. дона	Жамига нисбатан салмоғи, %	Йиллик ўсиш суръатлари, %	Жами. дона	Жамига нисбатан салмоғи, %	Жами. дона	Жамига нисбатан салмоғи, %	Йиллик ўсиш суръатлари, %	Жами. дона	Жамига нисбатан салмоғи, %	Йиллик ўсиш суръатлари, %
Ўзбекистон Республикаси	175626	100	116,4	201874	100	114,9	239496	100	118,6	210,1	100 ³	237,5	100	113,0	268,6	100	113,1
Қарақалпоғистон Республикаси	8692	4,9	116,9	10199	5,1	117,3	12073	5,0	118,4	11,3	5,4	12,3	5,2	108,8	14,2	5,3	115,4
Вилоятлар																	
Андижон	17268	9,8	126,8	20320	10,1	117,7	22768	9,5	112,0	18,5	8,8	18,6	7,8	100,5	16,0	6,0	86,0
Бухоро	10960	6,2	121,7	13541	6,7	123,5	16502	6,9	121,9	16,2	7,7	18,9	8,0	116,7	20,2	7,5	106,9
Жиззах	8228	4,7	125,6	10183	5,0	123,8	15991	6,7	157,0	15,6	7,4	15,4	6,5	98,7	15,7	5,8	101,9
Қашқадарё	12510	7,1	128,6	15591	7,7	124,6	23053	9,6	147,9	26,7	12,7	41,7	17,6	156,2	54,5	20,3	130,7
Навоий	6046	3,4	143,1	8148	4,0	134,8	10047	4,2	123,3	8,6	4,1	8,6	3,6	100,0	9,5	3,5	110,5
Наманган	11802	6,7	109,3	13779	6,8	116,8	15747	6,6	114,3	12,8	6,1	12,0	5,1	93,8	14,0	5,2	116,7
Самарқанд	20686	11,8	128,6	23120	11,5	111,8	24734	10,3	107,0	19,3	9,2	20,8	8,8	107,8	20,9	7,8	100,5
Сурхандарё	8992	5,1	110,0	10891	5,4	121,1	12299	5,1	112,9	10,3	4,9	12,3	5,2	119,4	14,0	5,2	113,8
Сирдарё	5431	3,1	127,7	6647	3,3	122,4	8400	3,5	126,4	8,3	4,0	10,5	4,4	126,5	10,5	3,9	100,0
Тошкент	13683	7,8	117,7	15889	7,9	116,1	18303	7,6	115,2	15,5	7,4	17,3	7,3	111,6	18,2	6,8	105,2
Фарғона	14841	8,5	109,2	17034	8,4	114,8	21194	8,8	124,4	10,9	5,2	18,2	7,7	167,0	23,0	8,6	126,4
Хоразм	10622	6,0	129,4	11546	5,7	108,7	13027	5,4	112,8	11,9	5,7	12,9	5,4	108,4	18,7	7,0	145,0
Ташкент ш.	25865	14,7	93,9	24986	12,4	96,6	25358	10,6	101,5	17,2	8,2	17,9	7,5	104,1	19,1	7,1	106,7

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, 2001-2006йй.

енгиллаштирилганлиги, янги корхоналарни тезкорлик билан рўйхатга олиш амалиётининг киритилиши кенг имкониятлар яратди.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида иш билан бандлар сонининг бетўхтов ўсаётгани миқдор кўрсаткичлари жиҳатдан ўзгаришлар диққатга сазовор эканлигини кўрсатмоқда. Кейинги 5 йил давомида республикада жами иш билан бандлар сони ҳар йили ўртача 2-3 фоиз атрофида ўсганини, кичик ва хусусий корхоналарда иш билан бандлар сони эса йилига ўртача 5-10 фоиз миқдорида кўпайганини кўриш мумкин.

Қиёслаш шуни кўрсатмоқдаки, республикадаги каби вилоятда ҳам иқтисодий фаол аҳолининг ва иқтисодиётда иш билан бандларнинг йиллик ўсиш суръатлари ўхшаш. Сўнги йилларда эса вилоятнинг республика кўрсаткичига қараганда бирмунча илгариллагани кўринади (жадвал 2).

Жадвал 2

Ўзбекистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида иқтисодий фаол аҳоли ва иқтисодиётда иш билан бандларнинг ўзгариш суръатлари

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон Республикаси			Қашқадарё вилояти		
	минг киши	йиллик ўсиш, фоизда	иқтисодий фаол аҳолига нисбатан салмоғи	минг киши	йиллик ўсиш, фоизда	иқтисодий фаол аҳолига нисбатан салмоғи
Иқтисодий фаол аҳоли						
1999 йил	8924,1	-	100,00	717,5	-	100,00
2000 йил	9018,4	101,06	100,00	726,9	101,31	100,00
2001 йил	9173,5	101,72	100,00	738,3	101,57	100,00
2002 йил	9367,8	102,12	100,00	752,5	101,92	100,00
2003 йил	9624,7	102,74	100,00	772,1	102,61	100,00
2004 йил	9949,8	103,38	100,00	798,7	103,45	100,00
2005 йил	10516,6	105,7	100,0	834,3	104,5	100,0
Иқтисодиётда иш билан бандлар						
1999 йил	8885,0	-	99,56	716,0	-	99,79
2000 йил	8983,0	101,10	99,61	725,0	101,26	99,74
2001 йил	9136,0	101,70	99,59	736,2	101,54	99,72
2002 йил	9333,0	102,16	99,63	750,7	101,97	99,76
2003 йил	9589,0	102,74	99,65	770,5	102,64	99,79
2004 йил	9910,6	103,35	99,61	796,4	103,36	99,71
2005 йил	10196,4	102,9	97,0	819,9	103,0	98,3

Манба: 1999-2000йй. – “Ўзбекистон Республикасида меҳнат ва бандлик; 2000” 15 б., 2001-2004йй. – “Ўзбекистон Республикасида меҳнат ва бандлик; 2004”, 24 б., 2005 й. – 2006 йил бошидаги ҳисоблар.

Республикада ва вилоятда мос равишда иқтисодий фаол аҳолининг йиллик ўсиш суръатлари 2000 йил 101,6 ва 101,31 фоизни, 2001 йил 101,72 ва 101,57 фоизни, 2002 йили 102,12 ва 102,92 фоизни, 2003 йили 102,74 ва 102,61 фоизни, 2004 йили 103,38 ва 103,45 фоизни; иш билан бандларнинг йиллик ўсиш суръатлари эса 2000 йили 101,10 ва 101,26 фоизни, 101,70 ва 101,54 фоизни, 2002 йил 102,16 ва 101,97 фоизни ташкил қилган, 2003 йили 102,74 ва 102,64 фоизни, 2004 йили 103,35 ва 103,36 фоизни ташкил қилган.

Бундай ўхшашлик, республика ва вилоятдаги шаклан ва мазмунан бир хил жараёнлар тўғрисида хабар бериш билан бирга, кичик ва хусусий тадбиркорлик ҳали иқтисодий фаол аҳоли, иш билан бандлик соҳасида буткул янги ўзгаришлар қилишга қодир эмаслигини, бунинг устига вилоят ва республикада кичик тадбиркорликда ишчи кучидан фойдаланиш борасида сифат жиҳатдан фарқланувчи жиҳатлар мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Демак, кичик тадбиркорлик орқали ижтимоий меҳнат тақсимотига жузъий таъсир қилиш имкониятлари ҳозирча республикамиз ва вилоятларда ҳали паст.

Бу жадвалдан кичик ва хусусий тадбиркорликни республикада ва вилоятда ривожлантиш учун мавжуд бўлган асосий омил - иқтисодий фаол аҳоли ва иқтисодиётда иш билан бандларнинг ўзгариши тенденциялари ҳам кўриниб турибди. Хусусан, кейинги олти йилда Ўзбекистон Республикасидаги ва Қашқадарё вилоятида иш билан бандлар сонининг жами ўзгариши 111 фоиздан кўпроқни ташкил қилди.

Иқтисодий фаол аҳоли сони ҳам республика ва вилоятда бир хил ўзгариш тенденцияларига эга (111 фоиз атрофида). Бу эса республикада умумий аҳоли сони тез ўсаётган Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурсларидан кичик ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига янада самарали фойдаланиш имкониятлари кўплигини кўрсатади.

Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан Қашқадарё вилояти туманларида иш ўринлари яратилиши бўйича таққосланма таҳлили амалга оширилган. Бунга кўра вилоятда жами иш билан бандларнинг 6 % Ғузор туманига тўғри келса, шундан туман бўйича кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандлик 5% ни ташкил қилади. Бошқа туманлар бўйича оладиган бўлсак, Деҳқонобод туманида – 3,0 ва 3,0 %; Қамати туманида – 8,0 ва 8,0 %; Қарши туманида – 4,0 ва 5,0%; Муборак туманида – 5,0 ва 4,0 %; Касби туманида – 6,0 ва 5,0%; Чироқчи туманида – 9,0 ва 9,0%; Шахрисабз туманида – 10,0 ва 12,0%; Яккабоғ туманида – 6,0 ва 7,0%; Қарши шаҳрида – 12,0 ва 10,0%. (диаграмма 1 ва 2)

**Қашқадарё вилоятида аҳоли бандлигининг туманлар бўйича тақсимланиши, 2006 йил
1 январь ҳолати**




Диаграмма 1
(муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, туманлар бўйича кўрсаткичлар вилоят бўйича кўрсаткичларни такрорлаган ҳолда, туманларда кичик ва хусусий тадбиркорликда мустақил сиёсатнинг йўқлигидан далолат беради.

Қашқадарё вилоятида кичик бизнес корхоналарида иш билан банд бўлганларнинг туманлар бўйича тақсимланиши, 2006 йил 1 январь ҳолати.




Диаграмма 2
(муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

ХУЛОСА

1. Кичик ва хусусий корхоналар ривожланиш тенденцияларида ўсишга мойиллик кузатилса-да, ҳозирча уларнинг инвестиция салоҳияти ҳали паст. Бу корхоналарнинг тармоқ таркибидан кўринадик, уларнинг аксарият миқдори ноишлаб чиқариш ва олиб-сотиш бўйича ихтисослашгани каби инвестиция қуввати ҳам кўпроқ савдо ва умумий овқатланиш сингари товар айланиши (ишлаб чиқариш эмас) соҳаларига сарфланмоқда.

2. Фақат назарий ёки чет мамлакатлар тажрибалари эмас, балки мамлакатимиз минтақа ва ҳудудлари тажрибасидан фойдаланиб ҳам вилоятлар ва туманлар иқтисодий ўсишида кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳудудий ривожланиш жараёнларида шаклланаётган ижобий тажрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3. Ҳозирги кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ва амалиёт қанчалик ўзини оқламоқда – шу масалага доимий баҳо бериш ва зарур бўлса, бу соҳани бошқаришни тартибга солишга оид жаҳон тажрибаларига асосланган узлуксиз мониторингни йўлга қўйиш керак. Ўтказилган тадқиқот кичик ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий турмушнинг барча соҳаларига кириб боришига қарамасдан бу соҳани ривожлантириш, таркибий мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича барча тадбирлар ва соҳаларни бирлаштирувчи ягона давлат ташкилоти (масалан, тадбиркорликни ривожлантириш вазирлиги) яратиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

4. Кичик ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандликнинг кам ўрганилган методологик масалалари ҳали кўп. Республикада ва вилоятларда кичик ва хусусий корхоналарда иш билан банд аҳолининг ижтимоий “портрети” ҳалигача номаълум. Алоҳида тадқиқотларни ҳисобга олинмаса, бу корхоналардаги ходимларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи, жинсий, касбий, маълумот даражаси бўйича таркибини ўрганиш услубиётлари ишлаб чиқилмаган (тармоқлар ва ҳудудлар бўйича кичик ва ўрта корхоналарда ишловчиларнинг умумий сони бундан мустасно). Натижада корхоналарда ходимлар тайёрлаш эҳтиёжларини аниқлаш қийинлашади, меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда ходимлардан фойдаланишга, меҳнат кўрсаткичларининг яқин ва ўрта муддатга башоратлашга тўсиқлик қилади.

5. Кичик ва хусусий тадбиркорликни тартибга солиш йўлларининг барчаси методологик ва технологик жараён сифатида ўхшаш циклдан иборат ва қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: 1) кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини (мақсадларини) аниқлаштириш, устивор йўналишларни белгилаш ; 2) кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришнинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш йўлларини белгилаш. Биринчи навбатда уларнинг ҳудудий, тармоқ ва бошқа муҳим таркибларини оптималлаштириш кўрсаткичларини белгилаб олиш муҳим.

6. Кичик ва хусусий бизнес соҳасида вилоят туманлари таркибини ҳам тартибга солиш лозим. Бизнинг назаримизда, бундай корхоналар фаолиятининг ҳудудий истикболини белгилашда вилоят ёки республика бўйича ўртача ёки

илғор ҳисобланган кўрсаткичларни мақсад кўрсаткичлари сифатида олиш тўғрироқ бўларди.

7. Кичик ва хусусий бизнес соҳасини бошқаришнинг иқтисодий механизмларини ишга солиш. Айниқса, бюджет сиёсатида бундай корхоналар аҳамиятини ошириш, бюджет даромадлари шаклланишида уларнинг ўрни катта бўлган ҳолларда эса кичик ва хусусий корхоналар ривожланишини рағбатлантириш (масалан, маҳаллий солиқлар солишни либераллаштириш орқали) масалаларини кўриб чиқишни ҳокимиятлар фаолиятининг кун тартибига қўйиш лозим.

8. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши кўрсаткичларини ҳудудларда аҳолининг зич ёки сийрак жойлашуви кўрсаткичларига боғлаш нормативларини ишлаб чиқиш ва уларни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан қонунларда мустаҳкамлаш қўйиш пайти келди (масалан, ҳудудлар иқтисодининг ривожланиши маълум ўсиш даражасига эришгунга қадар ҳар 1000 кишига тўғри келадиган кичик корхоналар сонини кўпайтириш нормативини ўрнатиш мумкин. Ана шу ўсиш нормативини таъминлаган ҳудудларда кичик ва хусусий бизнес субъектлари учун алоҳида қулай солиқ, кредит ва бошқа иқтисодий имтиёзларни белгилаш зарур ва б.)

9. Аҳолини иш билан таъминлаш фақат жорий, яъни шу куннинг тадбирлари билан чекланмаслиги керак. Уни такомиллаштириш ва юқори сифат даражасига олиб чиқишнинг барча муҳим тадбирларини амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш зарур. Бу механизм ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи орасидаги сифат, таркибий (тармоқ, ҳудудлар бўйича, касб-малака бўйича ва ҳоказолар) мутаносибликни ҳам йўлга қўйиш асосланган бўлиши шарт. Унинг асосий унсурларидан бири эса иқтисодиётни юқори малакага эга бўлган кадрлар билан таъминлашдир. Бу жараённинг асоси эса кадрларга бўлган реал эҳтиёж билан белгиланади. Шу даражадаги яна бир муҳим масала – касб ўқув юртлари, улар хоҳ олий, хоҳ ўрта махсус даражада бўлсин самарали фаолият юришини таъминлаш лозим. Бунинг учун, бизнинг назаримизда, ўқув юртлари фаолиятиги реал баҳо бериш асосида улар фаолиятини назорат қилиш тартибини ўрнатиш керак.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Остонов А.Ё. Жамиятда мулкдорлик руҳини қарор топтириш тараққиёт гарови. //Иқтисодиёт ва таълим, – Т., 2003, № 1. – 25- 29- б.
2. Остонов А.Ё. Кичик бизнесни ривожлантириш (Қашқадарё вилояти мисолида). //Бозор, пул ва кредит, Т., -2005, №3. - 25-28- б.
3. Остонов А.Ё. Кичик ва ўрта бизнеснинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни. // Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва ечимлар. Республика илмий амалий конф. мат. - Қарши, 2001, 69-70- б.
4. Остонов А.Ё. Ёшларни тадбиркорликка ўргатиш. // Меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш йўллари. Тўплам – Самарқанд, 2002, 57-59 - б.
5. Остонов А.Ё. Некоторые особенности формирования современной структуры занятости населения Узбекистана.
// Пятнадцатые международные Плехановские чтения тезисы докладов. -Москва, 2002. – с. 326-328.
6. Остонов А.Ё. Қишлоқда иш ўринларини яратиш долзарб муаммо. // Қарши Давлат университетининг 10 йиллигига бағишланган конф. мат. – Қарши. 2002, 115-117 - б.
7. Остонов А.Ё. Кичик ва ўрта бизнесни шаклланишида аҳолининг иш билан бандлиги. // Истиқлол йилларида илм-фан. Тўплам – Қарши, 2004, 1-жилд, 195-196 - б.
8. Остонов А.Ё., Турдиев М. Ижтимоий статистика. // ўқув қўлланмаси. - Қарши 2004. 216- б.

Тадқиқотчи:

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Остонов Акмал Ёриевичнинг 08.00.10 – “Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича “Кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида аҳолининг иш билан бандлиги (Қашқадарё вилояти маълумотлари асосида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Иш билан бандлик, самарадорлик, меҳнат унумдорлиги, янги иш жойлари, микрофирма, кичик корхона, кичик ва хусусий тадбиркорлик.

Тадқиқот объекти: Иқтисодиёт ва меҳнат бозорининг кичик ва хусусий тадбиркорлик сектори тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсади: Кичик ва хусусий корхоналарда аҳолини иш билан таъминлашга алоқадор ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганиш.

Тадқиқот усуллари: Анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, социологик сўровнома, илмий далиллаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида аҳоли иш билан бандлигининг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан ўзаро алоқадорлиги, ҳудудларда кичик ва хусусий корхоналарда иш билан бандлик самарадорлигини оширишнинг корхоналар турларига, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат салоҳиятига асосланиладиган иқтисодий ташкилий ва институционал тадбирлари ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари Ўзбекистон республикасида таркиб топган ўзига хос бозор иқтисодиёти шароитида тадқиқотлар ичида дастлабки бора таклиф қилинаётганлиги билан илмий аҳамиятга эга.

Амалий таклифлар ва ишланмалар эса республика ва ҳудудлар иқтисодий, меҳнат идоралари иш фаолиятида фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларини таълим-тарбия, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаси билан боғлиқ суҳбат, амалий машғулот ва маърузаларда ҳамда жойларда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: Кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини ўрганиш билан боғлиқ фан соҳалари, Ўзбекистонда самарали иқтисодий муносабатларни амалга оширишга, йўналтирилган кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий тадбирларда қўлланилади.

Р Е З Ю М Е

Диссертации Остонова Акмаля Ёриевича на тему «Занятость населения в малом и частном предпринимательстве» (на примере Кашкадарьинской области) на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.10 «Народонаселение и экономика труда»

Ключевые слова: малое и частное предпринимательство, разновидность собственности, занятость населения, предпринимательство, экономика труда, частное предприятие, потребность, эффективность, производительность труда, конкурентная среда, новые места работы, микрофирма, малое предприятие.

Объект исследования: сектор малого и частного предпринимательства экономики и рынка труда послужит объектом исследования.

Цель исследования: изучение социально-экономических отношений касающиеся обеспечению населения работой в малых и частных предприятиях.

Методы исследования: анализ и синтез, сравнительный анализ, социологическая анкета, научная обоснованность.

Полученные результаты и их новизна: взаимосвязь занятости населения работой в области малого и частного предпринимательства и показателями экономического роста. Разработаны социально-экономические трудоспособности, обоснованные экономически-организационные и институциональные мероприятия для повышения эффективности занятости населения работой в регионах малых и частных предприятий.

Научная и практическая значимость: научная значимость результатов исследования заключается в первичности предложенных исследований среди других в условиях своеобразной рыночной экономики республики Узбекистан. Практическими рекомендациями и разработками можно пользоваться в республиканских и территориальных экономических и трудовых конторах.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования внедряются в малом и частном предпринимательстве, а также на местах используется предпринимателями для развития малого и частного предпринимательства.

Область применения: применяется в областях наук, связанных с изучением малого и частного предпринимательства; при разработке мер, направленных на улучшение занятости; в деятельности органов по труду и предпринимательских структур.

RESUME

Thesis of Ostonov Akmal Yorievich on the theme « Employment of the population in small and private business » (on an example of the Kashkadarya region) on competition of the scientific degree of the candidate of economic sciences on a speciality 08.00.10" Population and economy of work »

Key words: small and private business, a version of the property, employment of the population, business, economy of work, private enterprise, need, efficiency, labour productivity, the competitive environment, new places of work, microfirm, a small enterprise.

Object of research: the sector of small and private business of economy and a labour market will serve as object of research.

The purpose of research: studying of socio-economic attitudes the population concerning to maintenance with work in small and private enterprises.

Methods of research: the analysis and synthesis, the comparative analysis, the sociological questionnaire, scientific validity.

The received results and their novelty: interrelation of employment of the population work in the field of small and private business and parameters of economic growth. Have been developed social and economic work capacity, proved economically - organizational and institutional actions for increasing of efficiency of employment of the population with work in regions in small and private enterprises.

The scientific and practical importance: the scientific importance of results of research consists in primacy of the offered researches among others in conditions of original market economy of the republic of Uzbekistan.

Practical recommendations and development can be used in republican and territorial economic and labour offices.

A degree of introduction and efficiency: results of research will take root in small and private business, and also on places will be used by businessmen for developing of small and private business.

Application area: it is applied in the field of the sciences, connected with studying small and private business, and also the social and economic actions directed on development of small and private business for construction in Uzbekistan of a free, comfortable and safe life.